



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 3 март, жума, № 9 (392)

Сотувда нархи эркин

Хурматли алоқаги хотин-қизлар!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги номидан сиз азизларни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбдан, самимий табриклайман. Соғлом авлод йилицда Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилангизга хотиржамлик, тинчлик, заҳматли ишингизда эса муваффақиятлар тилайман.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар
агентлиги Бош директори

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарган йиғилишда долзарб ва муҳим масалалар муҳокама этилди. Унда 1998-1999 йилларга тузилган битимнинг бажарилиши ва «2000-2002 йилларга мулжалланган соҳа битимини тасдиқлаш» тўғрисида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Назаржонов маърузаси тинланди.

Маърузачи агентлик ва Марказий Қўмита билан 1998-1999 йилларда тузилган тармоқ битимининг бажарилиши хусусида сўз юритиб, амалга оширилган ишлар ва корхоналар томонидан йул қўйилган камчиликлар тўғрисида тухталиб ўтди. Тармоқ битимида «Ўзбекистон почтаси» ДАК корхоналари етарли эътибор бермаганлиги айтиб утилди.

Шундан сунг музокараларда «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари Қ. Тулебоев, «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Журабоев, «Халқаро Телеком» АК бош директори М. Холмуротова, Тошкент телефон-телеграф станцияси бошлиғи М. Зоҳидов ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси «Почта алоқаси тўғрисида»-ги Қонуни лойиҳаси ҳақида агентлининг почта алоқаси бўлими бошлиғи М. Аъзамқулова маърузаси тинланди. У республикамизда почта тўғрисидаги қонун илк бор қабул қилинаётгани қувонарли ҳол эканлигини, ушбу қонунда почта ходимлари учун қулгина имтиёзлар борлигини айтиб ўтди. Маърузачи почтачилар учун энг муҳим бўлган қонун бандлари хусусида тухталди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Иззат АҲМЕДОВ



Кайсин КУЛИЕВ

ЮРАҚДАН СУЙГАНИМ ЎШАЛ АЁЛГА

Ҳаёт, ўтинчим бор, меҳри олам бўл,
Сабрли бўл унга, соҳиб қарам бўл.
Ўзин асра уни, ўзинг мадад бер.
Кетмас саодат бер, завқу лаззат бер,
Юракдан суйганим ўшал аёлга!

Ёқтирган ишидан уни кеткизма,
Нозик миҳозига озор етकिзма.
Бевақт манглайига туширма ажин,
Билдир, қайдадир дўст, қайдадир ғаним,
Юракдан суйганим ўшал аёлга.

Оққуш билақлигим, қадди шамшоддим,
Ёмон назарлардан сақлагил доим.
Унга йўлиқтирма хасталикни ҳам,
Узоқ йўлдан бошла кексаликни ҳам,
Юракдан суйганим ўшал аёлга.

Дунёда ёнма-ён қувонч ва кулфат,
Яхшини ёндоштир, ёмонни четлат.
Эзгу ниёт билан ишласин шодон,
Чексиз, чегарасиз инъом эт имкон,
Юракдан суйганим ўшал аёлга.

Яқинлашган чоғда борар манзилим,
Орзу-армонларим эзмасин дилим.
Сендан сўровим шу: сўнгги дам қадар,
Ишқим оташин сўндирма магар,
Юракдан суйганим ўшал аёлга.

Ҳаёт, қартайганда бизга панд берма,
Фарзанди доғида уни куйдирма,
Ўлим ҳақ. Қазони ўзимга жўнат,
Мендан ўтиб ажал бормасин фақат,
Юракдан суйганим ўшал аёлга!

ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19-мавзелаарида телефон хизматига эҳтиёж кучли эди. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида Юнусобод даҳасида жойлашган 125-АТСнинг 200 дона буш таксофон рақамини ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, кам сарф-харажат қилиб, абонент рақамига дастурлаш ва уни аҳолига етказиш бўйича «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖнинг Марказий

филиал директори Н. Султоновнинг таклифи қўллаб-қувватланди.

Марказий филиалнинг станция иншоотлари бошлиғи Р. Мирзааҳмедов, 125-АТС муҳандиси Г. Бекирова, электрончи муҳандислар Ш. Шарипов ва Р. Голиковалар бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, алоқа хизматига ҳалақит бермаган ҳолда, 125-АТСнинг 200 та таксофон рақамларини абонент рақамларига мослаштирдилар. Натижада янги — 200

рақамга мулжалланган 123-АТС ишга туширилди.

Шу кунларда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» хиссадорлик жамиятининг техник директори В. Тоғаевнинг таклифига кура, Юнусобод даҳасининг 15-мавзесида 720 та телефон рақамига эга бўлган янги электрон станциясини қуриш мақсадида монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
«ТШТ» хиссадорлик
жамиятининг назорат
хизмати бошлиғи

ҲИСОБ-КИТОБ МУҲИМ МАСАЛА

«Қашқадарё Телеком» шўба корхонасида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни корхонанинг бош директори Самад Каримов олиб берди. Йиғилишда ҳисоб-китоб ишларини марказлаштирилган ҳолда олиб боришнинг янги низомини таҳлил этиш масаласи муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан корхона раҳбари С. Каримов фикр билдириб, низом асосида иш юритишнинг афзалликларини тушунтириб берди.

Муҳокамааларда корхонанинг Қарши

шаҳар филиали директори В. Абдурахмонов, Шахрисабз тумани филиали директори И. Бурхонов, Қарши тумани филиали директори Т. Маматов, Ғузур тумани филиали директори М. Ҳаққуловлар сўзга чиқишди. Шунингдек, мазкур масала юзасидан ўзаро савол-жавоблар бўлиб ўтди. Саволларга корхона бош ҳисобчиси Болжон Юсупова жавоб берди.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Бахтиёр АРАБОВ,
Қашқадарё вилояти

ГИЖДУВОНЛИК ФИДОКОРЛАР

Халқ хужалигининг қатор тармоқларида бўлганидек, алоқа корхоналарида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда, алоқачилар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш тутмоқдалар. Утказилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

«Бухоро почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Гиждувон филиалида бўлган киши бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилади. Самарқанд савдо институтини битирган Шодмон Амонов иш фаолиятини ана шу филиалда бошлаган. Аввалига иқтисодчи, сўнгра бир неча йил шу ернинг ўзида бош ҳисобчи вазифасида ишлади. Мана олти йилдирки, ушбу меҳнат жамоасига бошчилик қиляпти. Утган давр ичида у одамоҳулиги, «самимийлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонди, раҳбарлар назарига тушди. Эл орасида қадр топди. Узига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги эса филиал бўйича белгиланган режа-топшириқларнинг вақтида бажарилишини, аҳолига юксак даражада алоқа

хизмати курсатилишини таъминлади.

Шодмон Амонов бошчилик қилаётган Гиждувон филиали жамоаси Гиждувон шаҳридаги бир қатор корхона ва ташкилотларга, жумладан, «Барака» ҳиссадорлик жамиятига, пахта тозалаш заводида, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг Гиждувондаги ип-йигирув фабрикасида, шунингдек, туман ҳудудидаги 12 та жамоа ва ширкат хужалиқларига почта хизмати курсатади.

Филиал ходимлари туман қишлоқларида фаолият курсатган 22 та алоқа бўлими билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. «Зарафшон» жамоа хужалиги ҳудудидаги Соҳибийн (бошлиғи А.Наврӯзов), Фиришкент (бошлиғи Р. Хусанов), «Ўзбекистон» жамоа хужалиғидаги Зарафган (бошлиғи Б. Гофуров), Ҳ. Олимжон номли жамоа хужалиғидаги Сармижон (бошлиғи Д. Элмуродов) алоқа бўлимлари аҳолига почта хизмати курсатишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Матбуот нашрларига обуна даражасида ушбу алоқа бўлимлари-

нинг ҳар биттаси бўйича 1000дан ортиқ хонадонлар республика, вилоят, туман нашрларига обуна бўлдилар. Фиришкент, Сармижон алоқа бўлимларининг ҳар бирида эса 1 миллион сумликдан зиёд обуна қабул қилиб олинди. Гиждувон филиали бўйича эса жами 14 миллион сумликдан ортиқ обуна расмийлаштирилди.

Филиалда аҳолига барча хизмат турлари курсатилмоқда. Бу ерда 60 нафар почтани меҳнат қилади. Почтачилардан Барот Яхшиев, Нарзулло Файзуллаев, Анвар Арслоновлар, операторлардан Мўмина Раҳимова, Нозима Туробоваларнинг кундалик саъй-ҳаракатлари ибратли бўляпти.

Замонавий техника воситаси — компьютер ёрдамида иш олиб борилаётганлигига айна бўлди. Натижада иш унуми, самардорлик ортди. Жумладан, ойлик маошларни ҳисоблаш ва тўлаш тулик компьютерлаштирилди. Аввалги пайтларда бу ишни 3 киши бажарарди. Ҳозирги пайтда эса тажрибали ҳисобчилардан Жамшид Ҳасанов ушбу вазифани бир ўзи компьютер ёрдамида

уддаламоқда.

Компьютер билан бевосита боғлиқ яна бир муҳим иш амалга оширилди. «Бухоро почтаси» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари ёрдамида Гиждувон шаҳри нафақачиларига нафақа пуллари ни тўлаш бўйича дастур яратилди. Бу борадаги ҳисоб-китоб ишларини уз вақтида ва аниқ-пухта бажаришда компьютер кул келяпти. Корхонада модём тизимининг ҳам унумли фойдаланилмоқда, ахборотлар туғридан туғри жойларга етказилаяпти.

Гиждувон филиали ходимларининг жонқурлик ва тезкорлик билан иш олиб бораётганликлари туфайли туман хужалиқларида истиқомат қилаётган 25 минг нафақачи, 2 мингдан ортиқ ногирон, 400 нафарга яқин уруш қатнашчиси нафақа пуллари ни уз вақтида олиб туришибди.

Эл-юрт ишига камарбаста бўлган гиждувонлик алоқачиларнинг 2000 йилда ҳам хизмат курсатиш маданиятини оширишларига, одамларга қувонч улаштиришларига ишонамиз.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

• Сизга қандай хизмат курсатишмоқда?

БАРАКАЛЛА, МАМАТИСМОИЛ!

Ҳақонлик Маматисмоил Аҳмедовни кўпчилик почтачи сифатида яхши билишади. Нафақа пули, газета-журнал ва хат-хабарларни уз эгаларига етказишни жойига қўяди.

Мен Маматисмоил билан кўп гапириб тураман. У билан ҳамкасбимиз. Почта соҳаси, электралоқа соҳасидаги янгиликлар борасида фикр алмашамиз. Ундан воқеалар, мамлакатимиз янгиликлари ҳақида сўрасангиз дарров жавоб беради. Чунки у кўп ўқийди. Уқиганлари ҳақида бошқаларга сўзлаб беришни яхши қуради. Касби тақозосига қура ҳам у барча нарсадан хабардор, воқиф.

Гумбаз почта алоқа бўлими Ҳақон қишлоғининг ярмига хизмат курсатади. Маматисмоил бешта маҳалла, 710 хонадон, 550 нафар нафақачига хизмат қилади.

Ҳар йили Гумбаз бўлимида обуна уюшқоқлик билан ўткази-

лади. Бу йил ҳам Маматисмоилнинг ўзи расмийлаштирган обуна миқдори нақд пул билан ҳисоблаганда 150 мингдан, пул ўтказиш йўли билан 200 минг сумдан ортиб кетди.

Маматисмоилнинг почтачиликни танлашига Исмоилжон Абдуллаев, марҳум Патто Мадраҳимовлар сабабчи бўлишган. Маҳаматжон ака Мўминов эса унга почта ишининг йўл-йўриқларини ўргатган, устозлик қилган.

Маматисмоил: «Одамлар ишимиздан кўнгли тулса, рози бўлса, яна бизга нима керак?» — дейди. Кўпчиликнинг дуосини олиб ишлаётган хушмуомала йигитга фақат «Баракалла, Маматисмоил!» деймиз.

Р. УЗОҚОВ,
Андижон вилояти

• Алоқа тарихидан

АЛОҚАЧИ — ШИША ТОЛА

Одамзод пайдо бўлгандек узаро алоқага эҳтиёж туғилган. Бу алоқа шишадан бошланганлиги бизга тарихдан маълум. Ичига мактуб солинган шишалар йиллаб денгизда сузиб юрган. Замонлар ўтган сайин янада узокроққа тезроқ хабар етказишга эҳтиёж кўчяйди. Инсон алоқа воситаларини ихтиро қила бошлади.

1794 йили ихтирочи Кулибин семафорли алоқа лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга қура, жуда олисдан ҳам қуринадиган улкан минорага ўрнатилган ҳаракатланувчи тах-

танчалар воситасида хабар берилар эди. 1795 йили француз Клод Шапп лойиҳаси бўйича Париж билан Лилль уртасида дастлабки семафорли алоқа ўрнатилди. Уни дастлаб «техиграф» — «тез ёздиған» деб аташган эди. Бироқ қисқагина хабар учун бутун бир соат кетганлиги сабабли, уни «телеграф» — «узок ёздиған» деб номладилар.

Телеграф, телефон ихтиро қилинган, шиша орқали алоқа қилиш унутилди. Еруғлик нури орқали хабар бериш эса фақат кемаларда, армияда ёрдамчи восита сифатидагина қолди.

Инсоният нурдан яна алоқа воситаси сифатида фойдалана бошлади. 1870 йили инглиз Тиндаль Англия Қироллик жамиятида «суяқ» световод тажрибасини намойиш қилди. Сув билан ҳаво чегарасидан кўп маротаба тулик қайтиши натижасида нур сув дастаси бўйлаб тарқалади. Суяқ световод ҳозир ҳам қўлланади, масалан, фаввораларни турли рангларда ёритишда ишлатилади.

1927 йили инглиз Баирд ва америкалик Ханзель телевидениеда тасвирларни узатиш ва

ёйишда кўплаб тоалардан фойдаланиш гоёсини илгари сурди. 1930 йили немис олими Ламм бунга тажрибада исботлаб берди.

1951 йили турли мамлакатларда эгилувчан световодларни яратиш ишлари бошланиб кетди. Кейинчалик кўп толали световодлар технологиясини ишлаб чиқиш имкони пайдо бўлди.

Замонавий световоднинг нур синдириш курсаткичи юқори даражали шиша найчадан иборатдир.

А. АЛИЕВ тайёрлади

ОБЪЯВЛЕНИЯ

Компания «Motorola GmbH» и совместное предприятие «УМТ-Радио» имеют честь объявить о начале серии конкурсов среди организаций и частных лиц Республики Узбекистан на лучшие разработки элементов и компонентов для радиопроизводственной компании «Моторола».

Первый конкурс организуется в сотрудничестве с Ташкентским электротехническим институтом связи и рассчитан на разработку приемо-передающих антенн для стационарного пользования, работающих на следующих диапазонах частот: КВ (HF), УКВ (VHF), ДМВ (UHF).

Цель конкурса: Поддержка талантливых и инициативных специалистов в области телекоммуникаций и радиоэлектронных средств, готовых приложить свои знания и усилия для создания высокотехнологических продуктов в Республике Узбекистан.

Участниками конкурса могут быть — студенты и преподаватели вузов, специалисты в

области телекоммуникаций и радиоэлектроники, инициативные группы.

Проекты участников должны быть представлены по двум номинациям согласно технического задания к конкурсу.

Официально начало конкурса — 1 марта 2000 г. Срок приема проектов — не позднее 18.00 часов 1 мая 2000 г.

Две лучшие работы будут награждены ценными призами, подготовленными организаторами. Компания «Motorola GmbH» и СП «УМТ-Радио», намерены, также, сотрудничать в дальнейшем с наиболее интересными и талантливыми участниками конкурса.

По вопросу участия в конкурсе просим обращаться к:
Ташкентский электротехнический институт связи.

Кафедра антенно-фидерных устройств.

Тел. (998712) 34-12-47.

СП «УМТ-Радио».

Тел. (9987) 120-74-21.

Открытое акционерное общество Страховая компания «АЛСКОМ» извещает об аннулировании не размещенной части акций, в количестве 1530 (одна тысяча пятьсот тридцать) штук, на сумму 1500 000 (один миллион пятьсот тридцать тысяч) сум.

Администрация АО.

Тошкент электротехника Алоқа институтининг мажлислар залида институт қошидаги лицей-интернат ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича «Нима? Қачон? Қаерда?» мавзуда мусобақа бўлиб ўтди.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Мусобақадан кузланган асосий мақсад ўқувчиларда математика фанига қизиқишни янада орттириш, уларни математика фани орқали муъжизалар оламига олиб кириш, ундан баҳра олиришдан иборат эди.

Мусобақа иштирокчилари булган 10 ва 11-синф ўқувчилари саволларга пухта, туғри ва мукаммал жавоблари билан кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлишди.

Бундай қизиқарли тадбирлар лицей ўқитувчилари томонидан бошқа фанлардан ҳам уюштирилиши кўзда тутилмоқда.

А. ХУСАНОВА,
ТЭАИнинг маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент Алоқа коллежининг 3-курс талабаси Махлиёхон АСТОНАЕВА!

Сени 18 ёшинг билан самимий табриклаймиз ва сиҳат-саломатлик, ўқишларингда зафарлар тилаймиз.

Ҳурмат билан
Астонаевлар оиласи,
Андижон вилояти,
Хўжаобод тумани

«Фаргона почтаси» ҳиссадорлик жамияти Ровон филиали жамоаси меъёрловчи М. ОБИДЖОНОВ, Чумоқчи алоқа бўлими бошлиғи О. МИРМЎМИНОВ, Сариканда алоқа бўлими хабарчиси Ш. ШАРИПОВНИ таваллуд кунлари билан чин қалбдан табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, узок умр, бахт-саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

БЕКОР КИЛИНАДИ

Тошкент темирйўл муҳандислари институти томонидан 1979 йили Шерзод Файзиевич ЯКУБОВ номига берилган ЕВ 244557 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БАЙРАМИНГИЗ КЎТАУФ БЎЛСИН, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Автобуслар бекати яқинида бир зиёли биродаримиз билан суҳбатлашиб тургандик. Уртача тезликда келатган «Жигули» биздан 300-400 метрлар чамаси утгач, тезликни пасайтирди. Сунг ортга қайтди. Тўғри рупарамизга келди. Орқа эшиги очилди, ундан хушрўйгина аёл тушди-да, кулимсираб, ҳароҳимга яқинлашди.

— Ассалому-алайкум, устоз! Домла собиқ ўқувчисини дарров таниди. Зум ўтмай машинадан яна бир жувон, ҳайдовчи ва усиприн йигитча тушиб, суҳбатдошимга пешвоз чиқиди. Уч-тўрт дақиқа чамаси ҳол-аҳвол сурашилди, сунг улар фурсатлари тигиз эканлигини айтиб, ўзр сурашди...

Машина анча олислаб, кўздан йўқолгунча шеригим унга тикилиб қолди.

— Тинчликми, домла? Нима гап? — аста гапга тутдим.

— Ҳа, ўзим...

У яна бироз сукут сақлагач, оҳиста суз бошлади.

— Даставвал машинадан тушган аёл ва ҳайдовчи менинг собиқ ўқувчиларим. Кўп йиллар уларга синф раҳбари ҳам бўлганман. Ешлигидан бир-бирига кунгил қўйган, гоят севишган эди улар. Мактабни тамомлагач, йигит совчи кўйди. Қиз томондагилар ҳам бир қишлоқ одами, си-нашта эмасни, совчилар дастлабки келгандаёқ «оқлик» бердилар.

Тўй ҳам эсда қолгудек, ҳавас қилса арзигудек бўлди. Орадан йиллар ўтди. Узаро меҳр-муҳаббати кучлигидан

улар учун утган давр «асал ойи»дек эди, холос. Бироқ фарзандсизлик ота-она кунлига гашлик сола бошлади. Учралмаган ҳақиму, ис чиқарилмаган зиератгоҳ қолмади ҳисоб. Бироқ натижа бўлмади. Устига-устак ҳар турли уйдирма гапларни айтмай-сизми? Нақ, юрагинга найзадек санчиллади.

Шу зайл ун йилдан кўпроқ вақт ўтди. Углига еққан келинни қизидай суйган ота-онанинг дарди ҳамон ичида эди.

Ахйири бир куни Ҳалима кеч-

ли либослар кийинтириб, ҳар турли уйинчоқларни келтирган ҳам Ҳалима бўлди. Йиллар утиб болакайлар кўпайишди.

Эгачи-сингиллар (Уларни «кундошлар» дейишга тил бор-майди) ҳали-ҳамон бир ҳовлида истиқомат қиладилар. Кариманинг уғил-қизлари Ҳалимани ҳам «Онажон» деб чақиршилади. Овқатга бир кун униси, бир кун боққаси унайди. Ҳалима қули гул чевар. Кариманинг фазилатлари ҳам бисёр. Ҳовлини чинидай тоза тутати. Айниқса, гул-

• Турмуш чорраҳаларида

ЭГАЧИ — СИНГИЛЛАР

ки овқат устида эри-ю қайнона-қайнотасига ёрилди:

— Пешонамизда шу езилган экан. Агар қарши бўлмасаларинг, Равшан акамнинг қайта уйланишларига мен розиман. Бу ерда яшасам, у киши фарзандли бўлсалар, болаларини ардоқлаб юрсам бас менга...

Кўп ўтмай, Равшанжон уйланди. Дастлабки кунданок эгачи-сингилларга айланган Ҳалима ва Кариманинг иноқлиги ота-она-ни мамнун этди. Тўй-маъракаларга бирга борадилар. Ҳудди эгизаклардай кийинадилар.

Йил ўтмай, Карима фарзандли бўлди. Ҳаммадан ҳам Ҳалиманинг қувонганини айтмай-сизми? Ҳудди синглисидаи тўғруқхонага чопгани-чопган.

Гудакка исм қўйган ҳам, улгайиб, тетапоя бўлганда чирой-

га ишқибоз.

— Меҳр-оқибат, садоқат инсоннинг инсонга азизлиги чинакам қадриятларимиздандир, — дейди сузини давом эттириб суҳбатдошим, — қаранг, қараб ҳавасланасан, одам. Баъзи опасингиллар аксидирлар. Айниқса, ота-онасидан жиндек мерос қолган бўлса, қуринг, томошани! Хаттоки, судда мол-дунё талашиб, еқалашганларини ҳам учратдим. Мана шундай чоғларда сиз ҳозиргина курган собиқ ўқувчиларим, бир-бировига эгачи-сингиллардай бўлиб қолган кундошлар, уларнинг ахил турмуши кўз олдимга келаверади.

Б. ҚЎШМОВ,
Наманган вилояти



Онажоним юрак меҳрингни Қиёс этай айтгин неларга.

Жоним десам жондан ширинсан, Жон бергансан ўзинг дилларга.

Паркда белига арқон боғлаб олган кишини милиционер тўхтатиб суради:

— Арқонни нега боғладингиз?

— Хотиним кетиб қолди, узимни осмоқчиман.

Шунда милиционер деди:

— Арқонни буйинга боғлаш керак, эй нодон.

— Унда қандай нафас оламан?

ҲАҚДАЛАР

— Нега бунча қовоғинг осилган?

— Ишни уйлаяпман-да. Жудаям эзилиб кетдим.

— Анчадан бери ишлай-сизми?

— Йўқ эртдан иш бошламоқчиман.

Ярим кечаси карта уйинидан уйига қайтган эр хотинига мақтанди:

— Уйинда бугун омадим келди. Сен юз сумга тикиб берган костюминг бор-ку, ушани олти юз сум ўрнига бервордим.

• Қатра

НАЙ НОЛАСИ

Йигит билан қиз боғда учра-шишарди. Шундай дамларда уларнинг кузига ҳеч нима кўринмасди. Икки жуфт мафтун-кор куз бир-бирига хумор билан тикилганча узоқ утиришар-ди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ниҳоят йигит қизнинг қулоғига аста шивирлади, иккаласи бара-варига қулишди. Майсаларнинг майин тебраниши, булбуллар хониши, сувларнинг шилдираб оқиши гўё икки олиққни олқишларди.

Шу дам узоқдан чўпон на-

йининг мунгли ноласи эшитил-ди. Севишганлар жим бўлиб қолишди. Қўшлар ҳам бир муд-дат сайрашдан тўхтадилар. Най эса ҳамон нола қиларди. Йигит ва қиз най сеҳридан сел бўлиб, борлиқни унуттишган эди гўё. Атроф жим-жит. Най ноласи туга-ши билан ошиқ қалблар қўздан беихтиёр ёш сизиб чиқди ва мафтункор юзларни ювиб ўтди.

Шундан бўлса керак, най ошиқлар ноласидан яралган дейишади.

ИЗЗАТ АҲМЕДОВ

ҚАДИМГИ РИВОЯТ

Шарқ ривоятларидан бирида айтилишича, Қодири мутлақ мукаммал дунё яратишга аҳд қилибди. Шу мақсадда тундан кунни ажратиб, сув, ер, усимлик, жониворларни, охириги куни эса эр-қачни яратибди. Яратганлари бир-бирига шунчалик муносиб эканки, уларнинг мукамаллигига Қодири мутлақнинг ҳаваси келибди. Кейин қарасаки аёл йўқ. Бахтга қарши лой ҳам тугаб қолганмиш.

Шунда у ойдан аёл жамолини, тундан қошу қўзини, мажнун-толдан сочини, камалақдан ранг, гуллардан ҳид олиб баданини, кийикдан нафислик ва хуркакликни, тонгдан мусаффоликни, итдан садоқатни, асаларидан бол териш ҳислати, серфарзанд бўлсин деб, балиқдан увулдириқни, айтганлари куй, хониш бўлсин деб, булбулдан навони, хуллас, ҳамма нарсадан бир чимдим, бир чимдимдан олиб аёлни яратибди. Натижада мукам-мал дунё бир кам дунёга айланибди, ёлғиз аёлгина мукаммал эмиш.

Зеро, табиатда битта мукаммал муъжиза бор, у — АЕЛДИР!

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Аллоҳ таолога бандалар ичида сеvimлиси оила аъзоларига манфаати кўп тегадиган кишидир.

Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё ила уялинлар, чунки Аллоҳ таоло ўрталарингизда риқзи тақсимлаб қўйганидек, ахлоқларингизни ҳам тақсимлаб қўйган.

Аёллар эркакларнинг туғишган сингилларидир.

Уйларинглар, кўпайишинглар, чунки мен қиёмат кунини умматлар орасида сизларнинг кўплигингиз билан фахлланаман.

Аллоҳ таоло сизларга хотинларга яхшилик қилишингизни буоради, чунки улар оналарингиз, қизларингиз ва хоаларингиздир. Аҳли китоблардан бирор киши бир хотинга уйланса, хотиннинг қўли бир қатим ил кўрмасаса, бир-биридан без-майдилар.

Агар киши ўз жуфти ҳалолига жилмайиб (севиб) боқса, у ҳам эрига жилмайиб боқса, Аллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Агар қўлидан ушласа, гуноҳлари панжалари орасидан тўкилади.

«Жиззах Телеком» шўба корхонаси маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари қасаба уюшмаси билан бирлашган қўмитаси Жиззах шаҳар филиали директори вазифасини бажарувчи Шукур Бултақовга ўғли

УЛУҒБЕКНИНГ

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Миррўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрӯх АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-222.
8922 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга тошириш — 19.00
Босишга тошириш вақти — 18.00

123456



ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.40 "Тахлинома" 8.40 Лирин тароналар...

ЎзТВ II

18.00 "Янги авлод" "Муслика олами", "Мулътмоша" 18.35 "Душанба дастирвонаси"...

ЎзТВ III

18.00 "Табриклаймиз, кутлаймиз" 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 "Пойтахт"...

ЎзТВ IV

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-ДЕНИЕСИ 16.15 "СНН, Жаҳон янгиликлари"...

ЎзТВ V

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-ДЕНИЕСИ 16.15 "СНН, Жаҳон янгиликлари"...

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.30 "Ахборот" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ II

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

18.20 "Муслик лаҳзалар" 22.30 "Рақур" 18.50 "Байрам табриги" 18.55 "Муслик лаҳзалар"...

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз" 8.00 "Телегазета" 8.20 "Спорт-тайм" 8.40 "Зумраша"...

ЎзТВ IV

9.00 "Бинафаша" 9.40 "Машина ва вақт" ансамблининг концерт дастири...

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.30 "Ахборот" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ II

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.30 "Ахборот" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ III

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ IV

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

Курсатувлар дастири 18.00 "Табриклаймиз, кутлаймиз" 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 "Пойтахт"...

ЎзТВ V

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-ДЕНИЕСИ 16.15 "СНН, Жаҳон янгиликлари"...

ЎзТВ VI

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.30 "Ахборот" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VII

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.30 "Ахборот" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VIII

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ IX

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ X

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ XI

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ XII

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ XIII

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЎзТВ XIV

9.00 "Давр" 9.10 "Ешлар" телеканалда 9.15 "Янги авлод"...

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.30 "Ахборот" 8.30 "Корак"...

ЎзТВ II

8.00 "Давр тонги" 9.00 "Ешлар" телеканалда 9.05 "Янги авлод"...

ЎзТВ III

8.00 "Давр тонги" 9.00 "Ешлар" телеканалда 9.05 "Янги авлод"...

ЎзТВ IV

8.50 "Соғлом бўлай десангиз" 9.00 "Тонги пойтахт" 9.45 "Болоқалор экрани"...

ЎзТВ V

8.50 "Соғлом бўлай десангиз" 9.00 "Тонги пойтахт" 9.45 "Болоқалор экрани"...

ЎзТВ VI

8.50 "Соғлом бўлай десангиз" 9.00 "Тонги пойтахт" 9.45 "Болоқалор экрани"...

ЎзТВ VII

8.50 "Соғлом бўлай десангиз" 9.00 "Тонги пойтахт" 9.45 "Болоқалор экрани"...

ЎзТВ VIII

8.50 "Соғлом бўлай десангиз" 9.00 "Тонги пойтахт" 9.45 "Болоқалор экрани"...

«Тошкентдан гапирмаиз ва кўрсатамиз» теледастиридан олинди.